



ЎЗБЕКИСТОНДА КРИМИНОЛОГИК СИЁСАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Пайзиев Дилшат Юлдашбаевич

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти етакчи илмий ходими,
ю.ф.б.ф.д., доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20798175>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 18-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 20-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 22-iyun 2026 yil

KEYWORDS

криминологик сиёсат,
жиноятчиликка қарши
курашиш, ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси,
жиноятларнинг олдини
олиш, хавфсиз муҳит, ҳуқуқни
муҳофаза қилувчи органлар,
маҳалла, жамоат
хавфсизлиги, криминологик
ислоҳотлар, давлат сиёсати.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистонда криминологик сиёсатнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Криминологик сиёсатнинг назарий-ҳуқуқий асослари, унинг жиноятчиликка қарши курашиш тизимидаги ўрни ҳамда давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатидаги аҳамияти ёритилган. Шунингдек, мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар таҳлил этилган. Ўзбекистонда криминологик сиёсатнинг ривожланишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла институти ва жамоатчилик иштирокининг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилган. Мақолада криминологик сиёсатни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари бўйича илмий хулосалар ҳамда амалий таклифлар илгари сурилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича мутлақо янги тизим **“Криминологик сиёсатнинг ўзбек модели”** шаклланди. Криминологик сиёсат жиноятчиликка қарши курашишнинг илмий асосланган, тизимли ва комплекс йўналишини ифода этади. У жиноятчиликни нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиш, унинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсати ҳисобланади.

Криминология фани эса жиноятчилик, жиноятчининг шахси, жабрланувчи ва профилактика механизмларини ўрганувчи ижтимоий-ҳуқуқий фан сифатида криминологик сиёсатнинг назарий асосини ташкил этади.

I. Криминологик сиёсатнинг назарий-методологик асослари:

Криминологик сиёсатнинг илмий асоси криминология фанининг предмети ва вазифалари билан белгиланади. Ушбу фан:

- ✓ жиноятчиликни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади;
- ✓ жиноятчи шахсининг хусусиятларини таҳлил қилади;

- ✓ жиноятчилик сабаблари ва омилларини аниқлайди;
- ✓ профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

Криминологик сиёсатнинг методологик жиҳатдан асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Ижтимоийлик – жиноятчилик ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади;

Комплекс ёндашув – ҳуқуқий, психологик, иқтисодий ва социологик омиллар билан биргаликда ўрганилади;

Превентивлик – жиноят содир этилганидан кейин эмас, балки олдиндан унинг олдини олишга қаратилади;

Илмийлик – тадқиқот натижаларига асосланган қарорлар қабул қилинади. Бу жиҳатлар криминологик сиёсатни жазоловчи сиёсатдан фарқлайди.

II. Ўзбекистонда криминологик сиёсатнинг шаклланиш босқичлари:

Биринчи босқич (1991–2010 йиллар) – Ўзбекистонда криминологик сиёсатнинг реактив модели (жиноят содир этилгандан кейин, унинг оқибатлари билан курашиш) устувор бўлган давр сифатида тавсифланади. Ушбу босқичда жиноятчиликка қарши курашиш тизими асосан, жиноят содир этилгандан кейин давлат томонидан тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга йўналтирилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида жиноятчиликка қарши курашиш амалиёти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, жиноятларни аниқлаш ва фош этиш самарадорлигини ошириш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш орқали таъминланди. Мазкур даврда криминологик сиёсат реактив ёндашув билан характерланиб, профилактик механизмлар етарли даражада ривожланмаган ҳолатда бўлди. Шу боис, давлат сиёсатида устуворлик жиноятларнинг оқибатларига таъсир кўрсатишга қаратилди.

Иккинчи босқич (2010–2016 йиллар) – Ўзбекистонда криминологик сиёсатнинг институционал шаклланиш даври сифатида тавсифланади.

Мазкур даврда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилди, профилактика тушунчаси ҳуқуқий категория сифатида аниқланиб, унинг мазмуни ва амалга ошириш механизмлари қонуний жиҳатдан мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолиятда давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими шакллантирилди ва тизимлаштирилди. Хусусан, профилактикага оид қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши криминологик сиёсатнинг институционаллашув жараёнини таъминлаб, унинг тизимли ва барқарор амал қилишининг ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Учинчи босқич (2017 йилдан ҳозирги вақтгача) – Ўзбекистонда криминологик сиёсатнинг превентив ва инсонпарвар моделга ўтиш трансформацияси даври сифатида баҳоланади. Мазкур босқичда криминологик сиёсатнинг мазмуни ва функционал йўналиши тубдан қайта кўриб чиқилиб, жиноятчиликка қарши курашиш тизимида устуворлик жазолашдан профилактикага ўтказилди. Бу эса криминологик сиёсатнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини кўрсатади. Хусусан, мазкур даврда жиноятчиликни барвақт олдини олишга қаратилган механизмлар институционал ва

амалий жиҳатдан мустаҳкамланди. Ижтимоий профилактиканинг устуворлиги таъминланиб, жиноятчиликнинг илдиз сабабларини бартараф этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар тизими шакллантирилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан индивидуал ва манзилли ишлаш амалиёти кенг жорий этилди. Бу эса криминоген хавфларни умумий эмас, балки шахсий даражада бошқариш имконини берувчи самарали механизм сифатида намоён бўлмоқда. Виктимологик ёндашувнинг ривожланиши натижасида криминологик сиёсат фақат ҳуқуқбузар шахсларга таъсир кўрсатиш билан чекланиб қолмай, балки жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни ҳам ҳимоя қилишга йўналтирилди. Айниқса, **“Инсон қадри учун”** тамойилининг криминологик сиёсатда устувор ўрин эгаллаши мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг инсонпарварлик моҳиятини янада кучайтирди.

III. Криминологик сиёсатнинг асосий йўналишлари:

1. Ижтимоий профилактика:

Замонавий криминологик ёндашувларга мувофиқ, жиноятчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши, аввало, шахс фаолият юритаётган ижтимоий муҳит билан узвий боғлиқдир. Шу боис, криминологик сиёсатда ижтимоий профилактика устувор йўналиш сифатида намоён бўлади. Бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, **“жиноятга қарши курашишдан кўра, унинг барвақт олдини олиш афзал”** деган тамойилни ҳаётга татбиқ этишдир. Ҳуқуқбузарликларнинг илдизи аксариат ижтимоий муаммоларга ишсизлик, оилавий низолар, таълим-тарбиядаги оқсоқликларга бориб тақалади. Шу боис, ижтимоий профилактика жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг энг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий профилактика – ҳуқуқбузарлик содир этиш ёхуд ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-атвор нормалари ҳамда қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Мазкур йўналиш доирасида жиноятчиликни келтириб чиқарувчи асосий ижтимоий детерминантлар жумладан, ишсизлик, оилавий низолар ва таълим-тарбия тизимидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ижтимоий профилактиканинг мазмуни жиноятчиликнинг оқибатларига таъсир кўрсатишдан кўра, унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли бўлиб, мазкур ёндашув жамиятда барқарор ижтимоий муҳитни шакллантириш орқали жиноятчилик даражасини камайитиришга хизмат қилади.

2. Манзилли профилактика:

Замонавий криминологик сиёсат доирасида манзилли профилактика жиноятчиликнинг олдини олишнинг самарали йўналишларидан бири сифатида қаралади. Ушбу ёндашув шахсга йўналтирилган (индивидуаллаштирилган) профилактика моделига асосланиб, ҳар бир шахснинг ижтимоий ҳолати, ҳуқуқ-атвори ва криминоген омилларга мойиллиги комплекс тарзда таҳлил қилинишини назарда тутди.

Мазкур жараёнда шахснинг “ижтимоий портрети” шакллантирилиб, унинг яшаш шароити, оилавий муҳити, ижтимоий алоқалари ва психологик ҳолати ўрганилади. Шу асосда ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган, яъни хавф гуруҳига кирувчи шахслар аниқланади ҳамда улар билан манзилли, индивидуал ёндашув асосида профилактика ишлари олиб борилади.

Манзилли профилактиканинг аҳамияти шундаки, у жиноятчиликнинг умумий кўринишларига эмас, балки уни келтириб чиқараётган аниқ субъектлар ва омилларга таъсир кўрсатишга қаратилган. Шу боис, мазкур ёндашув жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишда юқори самарадорликка эга бўлган илмий-амалий механизм сифатида баҳоланади.

3. Виктимологик профилактика:

Замонавий криминологик сиёсат доирасида виктимологик профилактика жиноятчиликка қарши курашишнинг муҳим таркибий йўналишларидан бири сифатида намоён бўлади. Ушбу ёндашув жиноятчиликни камайтиришда фақат ҳуқуқбузар шахсга таъсир кўрсатиш билан чекланиб қолмай, балки жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Виктимологик профилактика доирасида жиноят қурбонларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда хавфсизлик маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур чора-тадбирлар орқали шахсларнинг жиноят қурбонига айланиш эҳтимоли пасайтирилиб, жамиятда умумий хавфсизлик даражасини оширишга эришилади.

Шу нуқтаи назардан, виктимологик профилактика жиноятчиликка қарши курашишнинг инсон марказли (human-centered) моделини ифодаловчи муҳим илмий-амалий йўналиш сифатида баҳоланади.

4. Илмий ва таҳлилий ёндашув:

Замонавий криминологик сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда илмий ва таҳлилий ёндашув ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мазкур ёндашув криминологик тадқиқотлар натижаларига таяниш орқали жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишни назарда тутди.

Криминологик тадқиқотлар жиноятчиликнинг ҳолати, динамикаси ва тузилишини комплекс таҳлил қилиш, унинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ҳамда келгусидаги ўзгаришларини илмий асосда прогноз қилиш имконини беради. Шу билан бирга, ушбу тадқиқотлар жиноятчиликни келтириб чиқарувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлашга хизмат қилиб, уларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш учун муҳим манба ҳисобланади.

Шу жиҳатдан, илмий ва таҳлилий ёндашув криминологик сиёсатнинг самарадорлигини таъминловчи асосий методологик восита бўлиб, қарор қабул қилиш жараёнида далилларга асосланган (evidence-based) ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

5. Маҳалла институти (маҳалла еттилиги):

Ўзбекистонда криминологик сиёсатни амалга оширишда маҳалла институти, хусусан, “маҳалла еттилиги” тизими муҳим ижтимоий-ҳуқуқий механизм сифатида намоён бўлади. Мазкур институт жиноятчиликнинг олдини олишда давлат органлари

ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминловчи кўп қиррали субъект сифатида фаолият юритади.

Замонавий миллий модель доирасида маҳалла ижтимоий назорат маркази сифатида аҳоли ўртасидаги ижтимоий жараёнларни мунтазам кузатиш, мавжуд муаммоларни барвақт аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, маҳалла ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бевосита субъекти сифатида фуқаролар билан манзилли ишлаш, хавф гуруҳига кирувчи шахсларни аниқлаш ва улар билан тизимли иш олиб бориш орқали жиноятчиликнинг олдини олишда иштирок этади.

Айниқса, “**маҳалла еттилиги**” фаолияти доирасида турли соҳа вакилларининг ўзаро мувофиқлаштирилган фаолияти аҳоли муаммоларини комплекс таҳлил қилиш ва уларга тезкор ечим топиш имконини беради. Натижада, маҳалла институти жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилувчи муҳим профилактик механизм сифатида шаклланмоқда.

IV. Замонавий тенденциялар:

Бугунги кунда Ўзбекистонда криминологик сиёсатнинг ривожланиши қатор замонавий тенденциялар билан характерланади. Ушбу тенденциялар жиноятчиликка қарши курашиш тизимининг самарадорлигини ошириш, уни илмий асослаш ва бошқарув механизмларини такомиллаштиришга қаратилган.

Хусусан, криминологик сиёсатда рақамлаштириш жараёнлари кенг жорий этилмоқда. Бу эса электрон маълумотлар базаларини шакллантириш, таҳлилий ахборот тизимларини қўллаш ва жиноятчиликка оид маълумотларни реал вақт режимида мониторинг қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, фанлараро интеграциянинг кучайиши криминологик тадқиқотларнинг методологик базасини бойитишга хизмат қилмоқда. Хусусан, социология, психология ва бошқа ижтимоий фанлар ютуқларидан фойдаланиш орқали жиноятчиликнинг сабаб ва омиллари янада чуқур таҳлил қилинмоқда.

Криминологик сиёсатда илмий тадқиқотларга асосланган қарорлар қабул қилиш амалиёти тобора кенгайиб, бу ҳолат жиноятчиликка қарши курашишда далилларга асосланган (evidence-based) ёндашувни мустаҳкамламоқда.

Бундан ташқари, профилактика субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва координация механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг тизимли ва мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилишини таъминлайди.

Мазкур тенденциялар криминология фанининг назарий ютуқлари ва амалий фаолият ўртасидаги узвий боғлиқликни кучайтириб, криминологик сиёсатнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

V. Муаммолар ва уларнинг илмий таҳлили:

Ўзбекистонда криминологик сиёсатни амалга ошириш амалиёти ва мавжуд илмий манбалар таҳлили мазкур соҳада қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Ушбу муаммолар криминологик сиёсат самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида намоён бўлмоқда.

Аввало, профилактика субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва координация механизмларининг етарли даражада шаклланмаганлиги кузатилади. Бу ҳолат

жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг бўлинган, тарқоқ ва номутаносиб тарзда амалга оширилишига олиб келмоқда.

Иккинчидан, профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда уларнинг мантиқий якунига етказилмаслиги, яъни аниқланган муаммоларни тўлиқ ҳал этиш механизмларининг етарли даражада ишламаслиги кузатилмоқда. Бу эса профилактиканинг натижадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тизимлилик ва узвийлик тамойилларининг етарли даражада таъминланмаганлиги жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитларини комплекс бартараф этиш имкониятларини чекламоқда.

Шунингдек, криминологик сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш жараёнида илмий ёндашувнинг барча даражада тўлиқ жорий этилмаганлиги ҳам муҳим муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Илмий тадқиқотлар натижаларининг амалиётга етарли даражада татбиқ этилмаслиги қарор қабул қилиш жараёнида субъективликнинг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммолар криминологик сиёсатнинг тизимли, мувофиқлаштирилган ва илмий асосланган тарзда амалга оширилишини таъминлаш заруратини янада долзарблаштирмоқда:

VI. Таклиф ва илмий хулосалар:

Ўзбекистонда криминологик сиёсатни янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги илмий асосланган таклиф ва тавсияларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир.

Аввало, жиноятчилик ҳолатини доимий равишда кузатиш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш имконини берувчи **ягона рақамли криминологик мониторинг тизимини** жорий этиш. Бундай тизим криминоген вазиятни реал вақт режимда баҳолаш ва тезкор қарорлар қабул қилиш учун муҳим ахборот базасини шакллантириш имконини беради.

Шу билан бирга, ҳар бир ҳудуд кесимида **“ижтимоий хавф харитаси”**ни ишлаб чиқиш орқали жиноятчиликнинг ҳудудий хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш ва профилактик чора-тадбирларни манзилли режалаштириш имкони яратилади. Бу эса ресурсларни самарали тақсимлаш ва хавф даражаси юқори бўлган ҳудудларда мақсадли иш олиб боришга хизмат қилади.

Криминологик сиёсат самарадорлигини оширишда психологик ва ижтимоий хизматларнинг ролини кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, девиант хулқ-атворга мойил шахслар билан ишлашда профессионал психологларнинг иштироки профилактиканинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, криминологик тадқиқотлар натижаларини амалиётга кенг жорий этиш орқали жиноятчиликка қарши курашишда илмий ёндашувни мустақкамлаш зарур. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнида далилларга асосланган (evidence-based) ёндашувни таъминлайди.

Бундан ташқари, профилактика субъектлари ўртасида институционал ҳамкорликни мустақкамлаш, уларнинг ваколатлари ва ўзаро масъулиятини аниқ белгилаш орқали жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг мувофиқлаштирилган ва тизимли амалга оширилишига эришиш мумкин.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда криминологик сиёсатнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичма-босқич эволюцион жараён сифатида кечиб, жазолашга асосланган реактив моделдан институционаллашган тизим орқали профилактикага йўналтирилган инсонпарвар моделга ўтиш билан характерланади.

Мазкур трансформация криминологик сиёсат мазмунида сифат жиҳатдан ўзгаришларни юзага келтириб, жиноятчиликка қарши курашишда устуворликни унинг оқибатларига эмас, балки сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратиш имконини бермоқда.

Ҳозирги босқичда миллий криминологик сиёсат ижтимоий профилактикага таянган, илмий асосланган ва инсон қадрини устувор деб билувчи комплекс тизим сифатида шаклланмоқда. Бу эса жиноятчиликни барқарор камайтириш, ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ва жамиятда ҳуқуқий барқарорликни мустаҳкамлашнинг самарали механизми сифатида намоён бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, криминологик сиёсат самарадорлиги унинг илмий асосланганлиги, тизимлилиги ва превентив йўналтирилганлиги билан белгиланиб, ушбу ёндашувларнинг амалиётга изчил татбиқ этилиши Ўзбекистонда хавфсиз ва барқарор ижтимоий муҳитни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1) Abdurasulova Q.R., Zakirova A.G, Ismailov I. va boshq. Kriminologiya: Darslik – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2023. – 318 b.;
- 2) Zaripov Z.S., Pulatov Yu.S., Avanesov G.A va boshq. prof. Z.S. Zaripov tahriri ostida. Kriminologiya: Darslik – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2006. – 474 b.;
- 3) Ismailov I., Abdurasulova Q.R., Fazilov I.Yu. Kriminologiya fanining shakllanishi, rivojlanishi va hozirgi holati: O‘quv qo‘llanma. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 57 b.;
- 4) Ismailov I., Abdurasulova Q.R., Fazilov I.Yu. “Kriminologiya”. Umumiy qism: Darslik /; Mas’ul muharrir Sh.T. Ikramov. –Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. – 272 b.
- 5) Kriminologiya”. Maxsus qism: Darslik / I.Ismailov, Q.R. Abdurasulova va boshq. –Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. – 744 b.
- 6) Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. – Т., 2008. – 305 б.
- 7) Виктимология: Дарслик / Қ.Р. Абдурасулова, А.Г.Закирова, Ф.М.Мухитдинов, Ш.Х.Алиев, С.Б.Хўжакулов, Б.А.Умирзаков, Ғ.С.Қаршиев ва бошқ.; Масъул муҳаррир, ю.ф.д., профессор Ф.М.Мухитдинов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 320 б.
- 8) “Kriminologiya” fanining shakllanishi, rivojlanishi va hozirgi holati: O‘quv qo‘llanma / B.A. Umirzakov, G‘.X. Kutbitdinov. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2024. – 106 b.